

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**172** Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2139-4*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг 2010 йил 26 августдаги 7-ю/б-сон буйруғи (рўйхат рақами 2139, 2010 йил 4 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 35-36-сон, 309-модда) билан тасдиқланган Ноширлик ва матбаа корхоналари томонидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фондига ажратмалар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

6-банддан «ва бюджетдан ташқари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

1-иловининг ўн учинчи хатбошисидаги «бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга» деган сўзлар «давлат мақсадли жамғармаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги «Ижод» фонди билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош директор**

**А. ЮНУСОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 1 апрель,  
16-мҳ-сон

**Келишилди:**

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

*2014 йил 1 апрель*

**15 (619)-сон**

**— 35 —**

**172-173-моддалар**

*Давлат солиқ  
қўмитаси раиси*

**Б. ПАРПИЕВ**

*2014 йил 1 апрель*

*Савдо-саноат  
палатаси раиси*

**А. ШАЙХОВ**

*2014 йил 1 апрель*

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
ҳузуридаги «Ижод» фонди ижро  
этувчи директори  
вазифасини бажарувчи*

**Э. АХМЕДОВ**

*2014 йил 1 апрель*